

ТАДБИРКОР ШАХС ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-МЕЎРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тадбиркорлик муносабатларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибга солиш механизмлари тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, жамиятимизда пайдо бўлган янги ижтимоий гуруҳ тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти ошириш борасида амалга оширилаётган ташкилий-меърий соҳадаги фаолият илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, механизм, фаолият, жамият, муносабат, тадбиркорлик, маданият, тартибга солиш.

ORGANIZATIONAL-CULTURAL BASIS OF THE LEGAL CULTURE OF AN ENTREPRENEUR

Annotation: the article focuses on the legal basis and regulation of the organization of entrepreneurial relations in Uzbekistan during the years of independence. In addition, the activities in the organizational-cultural sphere carried out in the field of increasing the legal culture of entrepreneurs of the new ijtimimoi group, which appeared in our society, have been scientifically studied.

Keywords: Law, activity, society, attitude, entrepreneurship, culture, regulation.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, уларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатларини камайтириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, текширишларни янада қисқартириш, хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарликни либераллаштириш, тадбиркорлик

субъектлари ҳисобот тизимини, фаолият юритиши лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш, умуман, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида ҳукуматимиз томонидан самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, кейинги даврда “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тамомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Фармон ва Қарорлар қабул қилингандан бошлаб эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Шундай ҳуқуқий ислоҳотлар самараси ўлароқ тадбиркор шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланди. Булар асосан қуйидагилар билан белгиланади:

- тадбиркор шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар сони кескин қисқартирилди;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турлари қисқартирилди, уларни бериш тартиб-қоидалари соддалаштирилди;
- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизминини яратишда янгича ёндашувлар, хорижий тажрибани тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш,

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизмини яратиш, қонун ҳужжатларида, айниқса, идоравий меъёрий ҳужжатлардаги карама-қаршилик ва зиддиятларни бартараф этиш қонун ижодкорлиги соҳаасида келгусида амалга ошириладиган тадбирларнинг мағзини ташкил этмоғи лозим. Ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш жаҳон миқёсида ўзини оқлаган тажрибалардан фойдаланиб, уларни халқимизнинг миллий хусусиятлари, миллий қонунчилигимиз тажрибалари билан уйғунлаштирган ҳолда олиб борилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 466-1- сонли Қарорига биноан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури”да юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагича белгиланган:

- фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

- ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;

- юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш;

- миллий анъаналар ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.

Давлатимиз бошлиғи томонидан белгилаб берилган вазифалардан бири иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бизнинг асосий устувор йўналишимиз бундан буён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги ижтирокини излич камайтириб боришдан иборат экан бунинг учун қуйидаги принципиал вазифаларни амалга ошириш талаб қилинади:

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратиш лозим.

- биз хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабатимиз ва ёндашувларимизни ҳам тубдан ўзгартиришимиз, иқтисодиётнинг кимё, электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати ва бошқа етакчи тармоқларча қарашли корхоналарнинг акцияларини кимошди савдосига қўйиш бўйича қатъий чоралар кўрилади.

- давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин камайтириш бўйича юқорида қўйилган мақсадларга эришишда давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувига тўла барҳам бериш муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда.

- бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари хусусан, юқсак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шакллари ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

- кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакатимизда таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришмоқ лозим.

- кичик бизнес таркибини, авваломбор, унинг техник ва технологик тузилмасини яхшилаш, улар замонавий ускуналар, бозор талабига қараб тез ўзгартириш мумкин бўлган ихчам технологиялар билан жиҳозлашга эътиборни кучайтиришлари, шунингдек рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари керак.

Хулоса сифатида, республикаимизда тадбиркорликка тараққиётимизнинг барча босқичларида бозор муносабатларининг муҳим шarti, ҳал қилувчи омилларидан бири сифатида жиддий эътибор берилди. Бинобарин, бозор муносабатларига асосланган жамият барқарор ривожланишга интилиши ва шундан келиб чиқиб, ўз табиати, моҳиятига мос шахсни тарбиялаб вояга етказишга ҳаракат қилиши назарда тутилди. Бозор муносабатларида эса

тадбиркор шахс янги барпо бўлаётган иқтисодий олига етакловчи куч сифатида намоён бўлади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Стратегия развития Нового Узбекистана. - Ташкент: Узбекистан, 2022. - С. 134.
2. Каримов И.А. “Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране”. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. // 12 ноября 2010 года.
3. Ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятни юксалтириш - давр талаби (услугий қўлланма), Фарғона нашриёти, 2007, - Б.15.
4. Bahodirjon Sodikjonovich Ganiyev (2019). Innovative (entrepreneurial) activity of women at a new stage of development of our society. // *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 12(1). - P. 122-129.
5. Bahodirjon Sodikjonovich Ganiyev (2020). Social and philosophical aspects of family entrepreneurship development. *ACADEMICIA*, 12(03), - P. 1228-1234.
6. Б.С.Ганиев, М.С.Ганиева Семья как важный социальный фактор формирования предпринимательских навыков у молодежи (Опыт Узбекистана) // XV Всероссийская Парыгинская научно-практическая конференция (с международным участием “Проблемы социальной психологии и социальной работы” // Санкт-Петербург, 17 апреля 2020 года, - С. 25-27.
7. Ganieva Malika Sodykjanovna “Cocio-philosophical aspects of the study of the issue of gender and entrepreneurial woman in a new society” // *Asian journal of Multidimensional Reserch*: 2021. Vol. 12: Iss. 10, - P. 441-445.
8. Ganieva Malika Sodykjanovna “In the society of woman-girls innovation socio-philosophical essence of entrepreneurial” // *Scientific progress*: 2021. Vol. 8: Iss. 2, - P. 947-951.